



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ЎТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

02 (108)-сон, 2006 йил 12 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янгиланмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш имконини бермоқда. Шаҳар йўловчи транспортининг янги, мунтазам йўналишлари очилди, метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши таъминланди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажминини ошириш имконини берадиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш жараёни суст бормоқда. Хусусий йўловчи ташувчиларнинг тендер савдоларида иштирок этишида ва йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишидаги турли чеклашлар транспорт хизматлари бозори ривожига тўсқинлик қилмоқда. «Тошшаҳарйўловчигранс» акциядорлик компаниясида корхоналарнинг низом жамғармасидаги давлат улушини қисқартириш бўйича мақсадли ишларнинг амалга оширилмаётгани автобус парклари, ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда вақтида ва ишончли ҳаракатланиш ҳамда ҳаракатланувчи таркибини сақлаш ва йўловчи ташиш таннархини пасайтириш борасидаги мустақиллиги, моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш имконини бермаётган.

Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошқор рақобат учун қулай шaroит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташишлар бўйича бюрократчи ва пудратчи вазифаларини амалдан бекитиш, йўловчи транспортни ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида:

1. «Тошшаҳарйўловчигранс» акциядорлик компанияси Кенгашининг мазкур компанияни тугатиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошшаҳарйўловчигранс» АК негизда йўловчилар ташиш бўйича «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжалиқларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг: 2006 йил биринчи чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин; тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Давоми 2-саҳифада.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

«Ҳар қандай шароитда ҳам ўз сарҳадларининг дахлсизлиги, хавфсизлигини, ўз аҳолиси, оммаларининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир юртгина кучли давлатга айлана олади...»

Юртбошимизнинг ана шу сўзлари бугун ўз исботини топмоқда. Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилган ҳарбий ислохотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда ҳарбий хизматчилар тайёралининг бутунлай янги шакллари ташкил топди. Куролли Кучларимиздаги ислохотлар албатта, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлашда, Ватаннинг ишончли ҳимоячиларини тайёрлашда муҳим омили бўлмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, Ватан ҳимоячиси деганда халқимиз кўз ўнгиде, энг аввало, қоматига ҳарбий либос ярашган, тугилган юрти ва оқ сун берган ҳаққини жондан севувчи, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга, тиңчилик ва барқарорликни сақлашдек олижаноб мақсад йўлида ҳар қандай жасоратга тайёр мард ва ботиқ ўғлонлар намоён бўлади. Шу маънода Ватан ҳимоячилари куни барчамизнинг байрамимиздир.

Йил яқунларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2006 йилда амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат та-сарруфидан чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия ва ижро интизомини мустақамлаш, хизмат турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

2005 йил натижалари бўйича 400,1 миллиард сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 374,1 миллиард сўмлик / 2004 йилга нисбатан 132 фоиз-

855 мингтани ташкил қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси таъкидланди. Мутасадди раҳбар ходимлар ўшбу вазифаларни бажариш борасида масъулиятни янада ошириши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда ижро интизомини мустақамлаш, идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш, Инвестиция ҳамда хусусийлаштириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов иштирок этди.

(ЎЗА)

Ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда

10 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислоҳ Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича еттинчи Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг қатнашчилари мажлиси натижалари бўйича протокол имзоладилар.

Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Нодир Хонов ҳамда Эрон Ислоҳ Республикаси савдо вазири Маъсуд Мир-Козимий имзо чекишди.

Ушбу протоколда Тошкент шаҳрида 9 январь куни бўлиб ўтган мажлис яқунлари ўз аксини топан ҳамда етита масалани, жумладан, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа

соҳаларни қамраб олган.

Тадбирдан сўнг Маъсуд Мир-Козимий протоколнинг имзоланганидан Эрон томони мамнунлигини таъкидлаб, унинг муваффақиятли амалга оширилишига умид билдирди.

Ўз навбатида Нодир Хонов ҳам Эрон делегациясининг Ўзбекистонга таширф бююрга учун миннатдорлик билдириб, у икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг кенг ривожланишига катта ҳисса қўшишини таъкидлади.

Ўзбек — қозоқ: бир-бирига елкадош халқлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-11 январь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди. Маълумки, 2005 йил 4 декабрь куни қўшни Қозоғистон Республикасида президент сайлови бўлиб ўтган эди. Бу курашда амалдаги Президент Нурсултон Назарбоев 91,02 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди.

■ Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент-Остона-Тошкент.

2006 йилнинг 11 январь куни Остона шаҳрида янги сайланган Қозоғистон Президентининг инаугурация маросимида иштирок этиш учун турли мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, Қозоғистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Н.Назарбоев ўзига ишонч билдирган Қозоғистон халқига, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий қузатувчиларга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Қозоғистон раҳбари билан учрашиб, уни сайловда эришган ғалабаси билан самимий қутлади, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади. Н.Назарбоев юксак эътибор ва самимий табрик учун мамлакатимиз раҳбарига чўқур миннатдорлик изҳор этди.

— Қозоғистон сизнинг раҳбарлигингизда улкан ўзгаришларни бошдан кечирди,— деди Ислам Каримов. — Давлатга бошчилик қилиш жуда мураккаб ва катта масъулият талаб этадиган вазифадир. Сайловдаги ғалабанинг Қозоғистон халқининг сизга бўлган юксак ишончидан далолат. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, Қозоғистоннинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақиятимиз, Қозоғистоннинг муаммолари бизнинг ҳам муаммоларимиздир. Биз доим елкадош бўлиб келганмиз. Ҳамиша халқ билан бирга бўлишимизни, унинг ардоғида юришимизни тилаймиз.

— Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари доимо бир-бирини сўяб, бир-бирига таянч бўлиб келган,— деб таъкидлади Қозоғистон раҳбари. — Янги сайланган президент сифатида ўз вазифани бажаришга киришар эканман, илк хорижий сафаримни Ўзбекистонга таширф билан бошлашни мўлжалламоқдам. Биз ҳамкорликда Марказий Осиёда интеграция жараёнларини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар эканлар, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Узоқ ва яқин хорижда

Украина



Бош вазир Юрий Ехануровнинг газ масалалари бўйича ҳисоботи Украина Олий раёсатини қаноатлантирмади ва унинг кабинети истеъфога чиқарилди. Юлия Тимошенко блоки фақат Ениги-энергетика вазирлиги ва «Нафтогаз» раҳбарларини (Иван Плячков ва Алексей Ивченко) ишдан бўшатишни таклиф қилган эди. Аммо Олий рада бутун ҳукуматни истеъфога чиқариб юборди. Маҳкамани истеъфога чиқариш ҳақидаги қарорни ёқлаб 450 депутатдан 250 нафари (зарурий минимум — 226) овоз берди. Мазкур ҳужжат Украина ва Россия ўртасидаги газ битимлари бўйича музокараларнинг яқунлари асосида қабул қилинди. Қарор лойиҳасини «Бундай эмас!» деб аталдиган Муҳолифат блоки фракцияси таклиф этган эди.

Грузия



Собиқ сиёсатчи ва давлат арбоби Эдуард Шеварднадзе СССРни қандай қилиб сотгани ҳақидаги эс-далкиларини ёзиб тугатди. Собиқ иттифок Ташки ишлар вазирлигининг собиқ раҳбари ва Грузиянинг собиқ президенти ўз мемуарларини Германияда нашр этишни режалаштириб қўйди. 450 саҳифадан иборат ҳажмдаги китобда Эдуард Амвросиевич «кўп йиллик сиёсий фаолияти даврида ўзи иштирокчи бўлган барча қизиқ воқеаларни қаламга олган».

Япония



Тинмай ёғаётган қор натижасида мамлакатнинг шимол-ғарбидеги Нагано ва Ниигата префектураларида 193 та уйда яшаб турган 500 нафарга яқин одам ташки дунёдан ажралиб қолди. Бош полиция бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, Ниигата префектурасида, Япон денгизи соҳилида қор қопламасининг қалинлиги қарийб тўрт метрга етган. Япония бош вазирини маъмуларининг маълумотлари кўра қанин қор ёғиши натижасида мамлакатнинг 15 та префектурасида 72 нафар одам ҳалок бўлган. Касалхоналарга 800 киши жойлаштирилган. 600 дан ортиқ иморат қор босимида дош беролмай, қулаб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 10 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни «оригинал» шунингдек, бошқа ва бошқа маъмурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	889,20	1 Миср фунти	206,51	1 Польша злотийси	377,32	10 Жанубий Корея вонини	12,08
1 Англия фунт стерлинги	2091,83	1 Англия фунт стерлинги	19,43	1 СДР	1708,10	10 Япония йенаси	103,77
1 Дания кронаси	192,46	1 Канада доллари	1014,93	1 Туркия лираси	890,28	1 Россия рубли	41,08
1 БАА дирҳами	321,90	1 Ҳитой юэни	146,65	1 Швейцария франки	930,20	1 Украина гривнаси	234,12
1 АҚШ доллари	1182,29	1 Малайзия ринггити	315,45	1 ЕВРО	1435,06		

ХАРАКАТ ВОСИТАЛАРИ УНИНГ
НАТИЖАЛАРИ БИЛАН ҚУШИЛИБ
КЕТАДИ

Демократия, эзгулик ва инсонпарварлик маданияти

Бугун биз яшаётган давр ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Эркин фуқаролик жамиятида демократия, ахлоқий кадрлар ва инсонпарварлик маданиятининг уйғун тарзда намоён бўлиши оддий ҳолдир. Бу ўз-ўзидан тушунарли, амалбатта. Зеро, ривожланган ҳар бир мамлакатда муайян воқеа-ҳодисага, жараёнга, фаолиятга, ҳатти-ҳаракатга тўғри, аниқ таъриф-таъсиф бериш ҳам маданиятлик белгиси ҳисобланади.

Насим АЛИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

сон манфаатлари йили", "Оила", "Соғлом авлод", "Оналар ва болалар", "Қарияларни қадрлаш", "Обод маҳалла", "Меҳр-муруват", "Сихат-саломатлик", ниҳоят, "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили... Уларнинг ҳар бири чуқур маъно-мазмунга, мантқий узвийликка эга бўлиб, халқро ибрат намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва ислохотларнинг жаҳон жамоатчилиги вакиллари томонидан тўлиқ эътироф этилаётганини яна бир қарра қайд этмоқчимиз. Жумладан, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси хорижий сиёсатшунослар, мутахассис ва журналистлар эътиборини ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

Президент ўз чиқишида республикамизда Асосий қонуни аҳамиятини таъкидлаш бора-барига унда фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларни қадриятларини демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани-

га эътиборни қаратди. Масалан, Берлиндаги "Хек, Штигльмайгер ва ҳамкасблар" адвокатлик идораси раҳбари доктор Г. Хек давлатимиз раҳбарининг дунёдаги барча мамлакатларга бирдек мос келадиган универсал демократия модели йўқлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлаб, демократияни зўравонлик билан экспорт қилиш унинг асл моҳиятига пуртур етказиш, бу усулнинг истиқболсиз эканлигини таъкидлади.

"Президент И. А. Каримов ўз маърузасида Ўзбекистондаги демократик ва фуқаролик жамияти қурилишининг йўналишларини аниқ белгилаб берган, — деди ўз чиқишида Г. Хек. — Жамиятни демократлаштириш — узок давом этадиган жараён, бунда аҳоли фаол иштирок этади. Бироқ аҳолининг миллий менталитети ва минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олмасдан, демократияни ташқаридан туриб худди шляпадек "қийдириш"га бўлган уриниш, шубҳасиз, фожиаки оқибатларга олиб келади."

Биргина шу мисолнинг ўзидек "демократия", "демократияни ривожлантириш", "ижтимоий-гуманитар ёрдам", "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўмаклашиш", "хайрия — инсонпарварлик ёрдами" каби умуминсоний қадриятларни ниқоб қилиб олиб, ўз манфаатлари йўлида "саховат" кўрсатаётган чет эллик баъзи бир "ҳомий"ларнинг кирдикорлари, ҳатто ривожланган Европа мамлакатлари халқларига ҳам яхши маълум эканлигидан далалатдир.

Шу ўринда маънавий-ахлоқий ва иқтисодий кадрларнинг, эзгулик, демократия, инсонпарварлик тамойиллари ўрта-сида оқилона узвийликни таъминлаш ҳам юксак маданиятлик белгиси эканлигини "Ута ривожланган" демократик мамлакатларнинг вакиллари ҳам Ўзбекистон тажрибасидан ўргансалар, фойдадан холи бўлмасди.

"Ўзбекистон Конституцияси инсоний қадриятлар ва фуқаро ҳуқуқларининг устуворлигидир" мавзуга бағишлаб Миср элчихонасида ўтказилган учрашувда сўзга чиққанлар ислохотларни чуқурлаштиришда Конституция ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаб, унинг ҳаётий аҳамиятига юқори баҳо беришгани бежиз эмас. Ушбу давлат Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси бош қотиби Али Басюнийнинг фикрича, демократия ва халқро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатидир.

Учрашув қатнашчилари Президент Ислам Каримовнинг жамият ҳаётини ислох қилиш ва демократлаштириш борасидаги сазй-ҳаракатларини юқори баҳоладилар. Хусусан, Миср — Ўзбекистон Дўстлик жамияти Искандар шаҳар бўлимининг мудир Муҳаммад Зайдан 2006 йилнинг Ўзбекистонда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши соғлом миллат ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган катта ғамхўрлик, хайр ва савобли иш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳар бир йилнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили, деб номланишида ҳам ўзига хос муштарак жиҳатлар бор. Президентимиз таъкидлагандек: "Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаш, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол. Ҳомий, Ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани — бу, авваламбор, саховатли бўлиш, беғараб ёрдам қўрсатиш дегани.

... Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғулارнинг амалий ифодаси, деб биламиз. Яъни ҳомий де-

ганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга қўмақ ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон кишига ёки шахрни обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур қиламиз.

Бундай савобли ишлар, очиги, ҳаммининг ҳам қўлидан келармайдими. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиби бўлиши керак?

Шундан келиб чиқадиган бўлса, саховатли ва бағарас ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамсоҳан ва узвий боғланиб кетганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Кўринадики, инсон эҳтиёжларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва ёрдам бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжихатлик, муруват ва бағрикенглик муҳитини шакллантириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Мутахассисларнинг фикрича, инсонда учрайдиган қўпгина касалликлар танадаги жисмоний заифлик орқали эмас, балки руҳий етисмовчилик, қатъиятсизлик оқибатида юз беради. Бинобарин, одамларда қатъият, ишонч туйғусини мустаҳкамламоқ лозим. Токи улар ўзларини ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан бардам ҳис қилсинлар. Ана шунда ҳаёт янада теран маъно касб этади.

Ҳомийлик — хайрия, саховат, яхшилик каби савоб амаллар бағрикенг, қатъият, маънан бой, руҳан тетик кишиларга ярашади. Қолаверса, халқимиз бу борада ўзининг қадим анъаналарига эга. Хайр-саховат маънавий етуқлик белгиси, юксак инсонпарварлик ва олижаноблик ифодасидир. Эзгу ва савоб иш эса ҳеч қачон ерда қолмайди.



Тошкент. О'зЛиДеП Дастурида ёшларни Ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласига кенг ўрин ажратилган. Бу, албатта, бежиз эмас. Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган "Менинг армиям — менинг таянчим" мавзудаги анжуман ҳам қўпчиликка қатта таассурот қолдирди. О'зЛиДеП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти", Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тadbирда партия фаоллари, ҳарбий хизматчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, ёш хонандалар иштирок этишди. Тadbирни ҳарбий қисм бошлиғи ўринбосари майор И.Собиров кириш сўзи билан очди. Яқинлашиб келаётган Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан бир гуруҳ фаол қўмитачиларга мукофотлар топширилди. Тadbир иштирокчилари ўз чиқишларида она-юрт сарҳадларини қўриқлаш, жамиятимизда осойишта ҳаёт, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш нафақат ҳарбийлар, балки ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидладилар.

Қорақалпоғистон. Тахиятош шаҳрида "О'зЛиДеПнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиши жараёндаги роли" мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари раислари ҳамда партия фаоллари қатнашдилар. Қорақалпоғистон давлат университети кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди Г. Утемуратовнинг маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиши соҳасида О'зЛиДеП олдида турган вазифалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида О'зЛиДеП фракциясининг ўрни, мамлакатимиз Президентининг кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга оид Фармон ҳамда қарорларнинг жойларига ижросини партиявий назорат қилиш; раҳбар маънавияти, миллатлараро муносабатлар хусусида сўз юритилди, муҳим тақлифлар ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Андижон. О'зЛиДеП вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси вилоят филиалининг навбатдан ташқари қўша йиғилиши бўлиб, унда О'зЛиДеП Сийёсий Кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси ва партия вилоят кенгаши вакиллари иштирок этидилар. Йиғилишда О'зЛиДеП ва Фермер хўжалиқлари уюшмаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу борадаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланди. Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Наманган. Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан партия вилоят кенгашининг "Ёшлар қаноти" ташаббуси асосида тегишли тadbирлар ишлаб чиқилган эди. Шунга қўра қўллаб-қувватлаш ва тўқатишнинг ўрнини ўрнатилган ҳарбий қисмда ташкил этилган тadbир шулар жумласидандир. Унда партия вилоят кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Д. Акрамова иштирок этиб, Ватан Ҳимоячиларини яқинлашиб келаётган байрам билан табриқлади ва уларга ўзининг самимий тилақларини изҳор этди. Тadbир сўнгига ҳарбий хизматчиларга мукофотлар топширилди.

Фаргона. Бағдод туманидаги Самарқанд қишлоқ фуқаролар йиғини ва Қўқон шаҳар хизмат касб-ҳунар коллежида "Ўз келажакни ўйлаган оғоҳ халқ — бунёдкор куч" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу тadbирда талаба-ёшлар, фахрийлар ва мураббийлар иштирок этидилар. Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ва Узун туманларидаги жанговар ҳаракатлар иштирокчиси, ҳарбий хизматчи Илёс Ибрагимов учрашувда сўзга чиқиб, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган курашлар ҳақида фикр юритди. Учрашувда мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда ватанпарварлик ва миллий қадриятларга нисбатан юксак эҳтиром туйғулари шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон-Италия: сайёҳлик истиқболи йўлида

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Бухоро. "Бухоро-палас" меҳмонхонасида Италиядаги Марко Поло институтининг "Информест" компанияси томонидан ҳар икки давлат ўртасида ишлаб чиқилган туризм ривожлантиришга оид Ситиу лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. "Информест" компанияси вакили Матеи Роли ва шу компания эксперт Паоло Григолини Бухоро ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган хусусий меҳмонхоналарнинг раҳбарлари ҳузурда сўзга чиқиб, Ситиу лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидландики, мазкур лойиҳа ў ёки бу минтақадаги экологик муҳит билан боғлиқ ҳолда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ўз ичига олган бўлиб, италиялик туроператорларга Ўзбекистондаги янги сайёҳлик ресурслари тавсия қилиниши мумкин. Ситиу лойиҳаси, шунингдек, юртимизда сайёҳликни ривожлантириш, соҳага хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун мақбул шарт-шароит яратиш масаласини ҳам қўзда тутди. Тadbир қатнашчилари кейинги пайтда лойиҳа доирасида республикамизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан таништирилди. Айтиш жоизки, истиқбол йилларида қадим ва навқирон Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича янги имкониятлар очилмоқда. Туристик маркетинг бўйича тадқиқот ишларини олиб бorgan италиялик мутахассислар ҳам шу фикрни маъқуллашди. Бухоро, Хива, Самарқанд каби қўшна шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг тасвири акс эттирилган бир қатор слайд, тарқатма материаллар, адабиётлар ҳамда бошқа техник воситалардан фойдаланилганлиги тақдимот маросимида алоҳида мазмун касб этди. Тadbир ниҳосида тўплаганлар савол-жавоб ҳақида таъкидланди.

Қашқадарёда фермерлик ривожланади

Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси Қашқадарё вилоят филиали раҳбари, О'зЛиДеП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ақром ОРИПОВ билан мулоқот

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айнқиса, аҳолининг катта қисми қишлоқларда яшовчи аграр мамлакатда хусусий мулкчиликнинг бевосита ер билан боғлиқ йўналишига давлат миқёсида эътибор қўйилди. Натижада нисбатан қисқа даврда юртимизда минглаб фермер хўжалиқлари юзга келди.

Сайфалла ИКРОМОВ ҳақида

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини тўғрисида" ҳамда 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир тумандаги маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда 2004-2006 йилларда ўзини оқламаган ноҳар ширкат хўжалиқларини тугатиш ва фермер хўжалиқларига айлантириш концепцияси ишлаб чиқилган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғида бирорта ҳам фермер хўжалиги йўқ эди. Мавжуд 220 та ширкат хўжалигидан 153 таси тугатилиб, улар негизда 19 минг гектар яқин фермер хўжалиги ташкил этилди. Шулардан 16097 таси деҳқончиликка, 958 таси чорвачиликка, 1548 таси боғдор-

чилик ва бошқа соҳаларга иктисослашган. Аини пайтда уларда 113 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Жойларда ташкил этилган минибанклар, муқобил МТПлар, минерал ўғит тарқатиш шохбчалари, ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш каби қатор муассасалар фермерлар хизматиди.

Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда кооператив (ширкат) хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тadbирлари тўғрисида" қарори асосида вилоятдаги 30 та ширкат хўжалигини фермер хўжалиқларига айлантириш жараёни қизгин давом этмоқда. Фермер хўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бос ерлардан олинанидан хосил ортиб, иқтисодий самара ошмоқда. 2004 йилда вилоятда 205 минг гектар, шу жумладан, 142 минг гектар сувли, 63 минг гектар дالми майдонларга галла экилди. Ҳар гектар майдондан 26,3 центнердан галла кўтарилиб, 684

минг тонна хосил йиғиб-териб олинган бўлса, 2005 йили ҳам шунча майдонга уруғ қадалди, ҳар гектар ердан ўтган йилга нисбатан 10 центнердан қўп дон етиштирилди. Ялли хосилдорлик 852,2 минг тонна ташкил этди. Унинг 73,6 фоизи фермерлар хиссасига тўғри келгани эътиборга моликдир.

Пахтачилик борасида ҳам қишлоқ мулкдорлари ўрни йил сайин ортиб бормоқда. 2004 йилда 164 минг гектар майдонга чигит қадалди. Давлат шартномасида кўрсатилган 25 центнер ўрнига 28,5 центнердан хосил олинди. Ялли хирмон 410 минг тонна ўрнига 468,1 минг тоннани ташкил этди. Олинган хосилнинг 70,1 фоизи фермерлар томонидан етиштирилди. 2005 йилда давлатга 475,4 минг тонна "оқ олтун" сотилди.

Эришилган ютуқда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ташкили (ширкат) хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тadbирлари тўғрисида "Ҳужаёра ота" фермер хўжалиги раиси, туман партия кенгаши раиси, депутат Тўра Раҳмонов, Миришкор туманидаги "Саховат" фермер хўжалиги раиси Нейматилло Шамсидинов, касбиллик фермер Шавкат Турсунов, Гузор туманидаги "Бухоро", "Шоймардон бобо Ҳўлат ўғли", Муборак туманидаги "Ҳужамуבורак", Қосон туманидаги "Тўлга", Қарши туманидаги "Нукраот" фермер хўжалиқлари пахтачилик

ва галлачиликда юқори кўрсаткичларни қўлга киритиб келишяпти. Бугун вилоятда ҳар қандай ширкат хўжалигини қўллашмайдиган, иқтисодий бакуват, муқобил МТПга эга фермер хўжалиқлари талайгина.

Бироқ фермерлар орасида агротехника, уруғчилик, селекция, ўсимликларни ҳимоя қилиш, техникадан тўғри фойдаланишни билмаётган, ишлаб чиқаришни ташкил этишда камчиликларга йўл қўяётган, деҳқончилик имлидини йилроқ кишиларнинг аралашиб қолганлиги боси 2005 йилда вилоят бўйича 123 та, шу жумладан, пахтачилик бўйича 404 та фермер хўжалиги контрактация шартномаларини бажара олмади. Натижада 331 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатди.

— Айрим фермерларнинг ҳуқуқий билимлари паст, — дейди Ақром Орипов. — Шу боси жойларда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари ва фаоллари бўлган фермерларнинг муносиб улуши бор. Нишон туман "Ҳужаёра ота" фермер хўжалиги раиси, туман партия кенгаши раиси, депутат Тўра Раҳмонов, Миришкор туманидаги "Саховат" фермер хўжалиги раиси Нейматилло Шамсидинов, касбиллик фермер Шавкат Турсунов, Гузор туманидаги "Бухоро", "Шоймардон бобо Ҳўлат ўғли", Муборак туманидаги "Ҳужамуבורак", Қосон туманидаги "Тўлга", Қарши туманидаги "Нукраот" фермер хўжалиқлари пахтачилик



Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси Қашқадарё вилоят филиали раҳбари, О'зЛиДеП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ақром ОРИПОВ билан мулоқот

томонидан минтехнология ва техника сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратишни пайсалга солинаяпти. Лизинг асосида техника воситалари билан таъминлаш ҳам қониқарли эмас. Шунингдек, экиш мавсуми ва ўрим-йиғим даврида ҳам фермерлар жиддий қийинчиликларга дуч келишяпти. Биз ҳар бир фермер хўжалигида О'зЛиДеП бошланғич ташкилотларини тузаёпамиз. Ҳозир аксарият хўжалиқлардаги бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият" деб номланган маърузасини ўрганishi бўйича ўқувлар бўлиб ўтапти.

Фермер хўжалиги ташкил этишдан мақсад ширкат хўжалиқларини тугатиш эмас, балки ерни ҳақиқий эгаларига топшириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. 5 ёки 10 гектар ери бор фермер хўжалиқлари билан иқтисодий таъминоти ўнглаш мумкин. Шунинг учун вилоятда 100-500 гектар ерга эга бўлган фермер хўжалиқларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Ерни унинг ҳақиқий эгасига — ўз даласига меҳр қўйган, деҳқончилик имлинини сир-синоатини, ишининг қизини билладиган, фидойи инсонларга топшириш керак".

МУНОСАБАТ

ИСЛОХОТ

ШАРҲАР

ДАМИЛАР

ВОҚЕАЛАР

ҲАМКОРЛИК

«Ором»дан «Smile»гача

Йодланган ичимли суви биз учун фойдали. Аммо...

Асқад Мирхидоятов бозор иқтисодиётига ўтила бошланган дастлабки йилларданок ички бозорда юзага келган вазиятни, яъни маҳсулотни четдан олиб келиш эмас, балки ўзимизда ишлаб чиқаришнинг афзал томонларини тушуниб етди. Асқад ака иқлимимиз шароитини инобатга олиб, ичимли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



тутди. Аён бўлдики, гўдаклар бир кеча-кундуз давомида 100 микрограмм (мкг.), катта ёшдагилар 150 мкг., ҳомилдорлар эки эмизикли боласи бор аёллар эса 200 мкг.гача йод истеъмол қилишлари керак экан. Инсон 3300 грамм мол гўшти ёки 4500 грамм гуруч тановул этсагина унинг организми 100 микрограмм йод қабул қиларкан. Асқад ака қатъий қарорга келди — таркибда йод моддаси бўлган ичимли сув ишлаб чиқаришга астойдил бел боғлади. Ҳамкорларни ҳам излаб топди. Украинанинг "Iodis" компанияси концентрати айнаи мўдда бўлди. Мазкур хом ашё Чехия, Греция, Польша, Венгрия, Литва, Латвия, Россия, Австралия, Беларусь, Козогистон ва Ўзбекистонда сертификатланган. Асқад ака тегишли идораларга қатнади. Барча ҳужжатлар тайёр бўлган, таркибда 200 мкг. йод унсори бўлган "Smile" ичимли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мутахассислар унга юқори баҳо беришди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ушбу маҳсулот дастлабки истеъмолчиларга етиб борди. Ҳозир бундай ичимли сув Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳам юборилмоқда. Бироқ Асқад ака ўз маҳсулотини, "авваламбор, Оробўйи" минтақасидаги аҳолига мўтаазам етказиб туриш ниятидадир. Ишлаб чиқарилаётган ҳар

Ориф ЎЛМАСОВ

Бу ишда унга укалари — Аббос, Асрор ҳамкор ва таянч бўлишди. Дастлаб мўжазгина цехда уч хил минерал сув тайёрлаб, сотувга чиқаришди. 10 йилдан зиёд вақт давомида маҳсулот сотишдан тушган даромадни асосан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлашди. Россия Федерациясининг Орлов вилоятидан замонавий ускуналар келтиришди. Бозор конъюнктурасини кузатиб боришди. Улар эндиликда катта цехда фаолият кўрсатишмоқда. Чиқарилаётган маҳсулот турлари анча кўп. Ҳозирги кунда хусусий тадбиркор "А. А. Мирхидоятов" белгиси билан ишлаб чиқаришда 13 хил, сифими бир литр бўлган елим идишларда "Ором" ва "Smile" ("Табассум") ичимликларни ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар тезда хариддориг бўлиб кетди. Баъзилар унга, ҳатто кўнгил роҳа-

ти деб ҳам ном беришди. Юртимизда тадбиркорликнинг айнан шу тури билан шугулланаётганлар кўп. Бироқ Мирхидоятовлар ишлаб чиқариётган маҳсулотларнинг бошқаларидан афзаллиги шундаки, улар таркибда йод моддаси бўлган минерал сувлардир. Мана, 2006 йил ҳам кириб келди. Юртбошимиз ташаббуси билан у "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганда бутун Ўзбекистон халқи ушбу тақлифни чуқур мамнуният билан кутиб олди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар янада жадаллашадиган бўлди. Жойларда янги тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилмоқда. Шифокорлар, назаримизда, ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашмоқдалар. Ушбу хайрли ишга бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари, тадбиркорлар, оддий фуқаролар ҳам шерик бўлаётганликлари, уларнинг сони тобора кўпаяётгани кишини қувонтиради. Шу жумладан, Асқад ака ҳам четда турмади. Унинг яхши одати бор — телевидение ва газета саҳифаларини мўтаазам кузатиб боради. Шунинг учун йод унсурининг инсон учун аҳамияти ҳақида кенг тушунчага эга. Бироқ организмда йод кам бўлса, буюк, хотиранинг пасайиши, камқонлик, юрак-асосдон хасталиклари, болаларнинг ақлий ва жисмоний заифлигига олиб келишини эшитди-ю, ушбу муаммони мустақил равишда ўрганди. Тиббиёт мутахассислари билан уврашди, уларнинг фикрлари билан танишди, маслаҳатларига қулоқ



Аллергия ўткинчи ҳолатми?

Бугунги кунда ер юзининг кўпгина мамлакатларида аллергия касалликлар билан оғриётганлар сони кўпайиб бормоқда.

Албатта, бунинг турли сабаблари бор. Кўпчилик аллергияни тез ўтиб кетадиган оддий ҳолат, деб тушунади. Аслида шундайми? Аллергия билан оғриган беморлар биринчи навбатда нималарга эътибор беришлари лозим? Биз ана шундай саволлар билан республика ихтисослашган илмий Аллергология маркази раҳбари, Европа Аллергология академиясининг аъзоси, профессор **Озодбек НАЗАРОВ**га мурожаат қилдик.

Ўз мухбиримиз

— Аллергия — юнча "алос" бегона ва "эрга" таъсир сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у организмнинг ёт моддаларга таъсир қобилиятини англатади. Киши организмга тушган, зарарсиз ҳисобланган моддалар (масалан, уй чанги) оғир хасталикни келтириб чиқариши мумкин. Ҳаво губири димоққа кирганда ёки баъзи бир мева шарбатларини истеъмол қилганда танада қичиш аломатлари сезилади. Бу ҳақда қадимги табиблар ҳам ёзиб қолдиришган. XIX аср охирида яшаб ўтган педиатр олим Пирке юқоридаги аломатларни ўзаро умумлаштириб, аллергия, дея номлади. Илгари аллергияга учраганлар бармоқ билан санарли бўлса, айнаи кунга келиб ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми шу хасталик билан оғриши кузатилади. Носоглом экологик муҳит, озик-овқат маҳсулотлари таркибдаги турли кимёвий моддалар, сунъий мотад тикилган кийим-кечакларни узоқ вақт кийиб юриш, дори-дармонлардан ўзбилармонлик билан фойдаланиш, асаб тизимининг толиқиши аллергияни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардир. Ёшига етмаган гўдакларни кўкракдан ажратиб, уларга сигир сүти бериш жараёнида ҳам аллергия ҳолати кузатилади. Умуман, ўсимлар ва катталар бу касалликка тез-тез чалиниб турадилар. Айниқса, аллергия тумов (ринит) кўп учрайди. Ҳозирги кунда республикамизда аллергияга чалинган беморларнинг 32,7 фоизини аллергия ринит билан оғриганлар ташкил этади. Касалликнинг ўзидан кўра асорати ёмон. Бинобарин, аллергия тумовга чалинган киши дарҳол шифокорга мурожаат қилиши зарур. Бурун қичиши, битиб қолиши, тез-тез аксирш, томоқ қитқиланиши, кўз соққаси шишиб қизариши ёки ундан ёш оқиси, қулоқ гувуллаши ва шовқинга таъсирчанлиги аллергиянинг дастлабки аломатларидир.



Ҳозирги кунда хасталикнинг клиник белгиларини ва аллергия яллиғланишни қайта келтиришга мўлжалланган кўпгабори дори-дармонлар мавжуд. Бу ўринда қуввати узоқ муддатда сақланидиган таблетка (кларитин, лотанакс, гисталог, гисманал, задитен)лар, бурун бўшлиғига юбориладиган суяклик (алдицин, аллергодил, бекназа, назакорт)лар, кўз шиллик қуввати яллиғланишини тузатувчи томчи дори (кузихром, оптихром)ларни тилга олиб ўтиш мумкин.

Борди-ю, аллергия сурункали ҳолатга ўтса...

— Бу жуда хавфли. Ўз вақтида даволанмаган аллергия тумов (ринит) настк нафас олиш азозларини зарарлайди. Бора-бора астма (зикнафас) хасталигини келтириб чиқаради. Касалликнинг оғир ҳолатида беморлар доимий бош оғриги, қорсуқлик, тез чарчаш, хотиранинг пасайиши кузатилади. Энг ёмони шундаки, киши узоқ вақт аллергия тумов билан оғриб, керакли муолажа олмаса, ёш ўтгани сайин меҳнат қобилиятини йўқота боради. Баъзи ҳолатларда беморлар ногирон бўлиб қолишлари ҳам мумкин.

Марказимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, аҳоли ўртасидаги аллергия тумов, бронхит ва астма касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва зарурий муолажа тайинлаш чоралари кўриляпти. Шунингдек, вилоятлардаги "Аллергия мактаблари"да фаолият юритаётган мутахассислар томонидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Яқинда "Сиз ва сизнинг оилангиз астмага қарши нима қила олади?" номли тиббий қўлланмани чоп эттирдик. Унда касалликдан сақланишга оид зарур йўл-йўриқлар баён қилинган. Аллергияга чалинмаслик учун уй ҳайвонларидан узоқроқ юриши, уйни сугуриб-сидиришда бурунга намроқ латта ёки донадан ниқоб тақиб олиш, чанг ва гувордан эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Бу хасталикка чалинган киши шифокор маслаҳати асосида иш тутиши, зарурий даволаниш чораларини кўриши лозим.

— Баъзилар "Қуруқ ҳаво бўлса, аллергия кўзийди", дейишади. Чанг-ғуборнинг ҳам аллергияга таъсири борлигини биламиз. Атир хидлаётган пайтда айрим кишиларнинг димоғида кучли таъсирланиш юз бераркан. Бундай ҳолатларнинг сабаблари қандай аниқланади?

— Аллергия тумовнинг мавсумий ва доимий турларини кузатиш мумкин. Маданий ва ёввойи дарахтлар, ўсимликлардаги чанг зарарлари мавсумий ринитни келтириб чиқаради. Хасталикнинг доимий тури эса уй чанги таркибидеги каначалар, парёстик пари ва ҳозорлар орқали пайдо бўлади. Шунингдек, уй ҳайвонларининг туқлари, қазоқлари ва сувараклар ҳам аллергияларни ташувчилар ҳисобланади. Касалликни келтириб чиқарадиган омиллар бир неча усуллар орқали аниқланади. Ташхис қўйишдан аввал бемордаги аллергиялогик ҳолат синчиклаб кузатилади, қон таркиби тўлиқ таҳлил қилинади. Зарур бўлса, рентгенологик текширув ёки компьютерли томография ўтказилади.

Ўқитувчи — ҳаёт боғбони

Ёш авлодни вояга етказишда унинг хизмати беқиёс

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг айнаи масала юзасидан қабул қилган қарори ёш авлод эртаси ҳақидаги чуқур гамхўрлик руҳи билан сўғорилган, десак асло янглишмаган бўламиз.

Шухрат РЎЗМАТОВ, Бўка тумани халқ таълими бўлими мудир

Ушбу ҳужжатларда таълим тарбия жараёнини тубдан ислох қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчиллик билан, босқичма-босқич жорий этиш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер ва методик адабиётлар билан таъминлаш масалаларига кенг ўрин ажратилган. Бу, шубҳасиз, биз — халқ маорифи ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ҳозирги кунда туманимизда 54 тарта ўрта умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 26066 нафар ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олишмоқда. Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, педагог ходимлар малакасини ошириш, ўқувчиларга фан асосларидан чуқур ва пухта назарий билим бериш олди-мизда турган асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда барча имкониятлар ишга солинишмоқда. Жумладан, кейинги йилларда тумандаги 1,2,6,8,14,19,38, 54-мактаблар замонавий компьютер ускуналари билан таъминланди. Мактаб ва мактабга таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўқув ҳамда методик қўлланмаларга бўлган эҳтиёжини қондириш диққат марказида тутилмоқда.

2005 йил мобайнида тумандаги 8-умумтаълим мактаби биноси капитал таъмирланди, 17,49,52-мактабларда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жойларда болалар спортини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Умуммиллий давлат дастури доирасида спортнинг оммавийлигини таъминлашга қаратилган истиқболли режаларни белгилаб олганмиз. Ҳозирги кунда туманда "Болатлар ва ўсимлар" спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. 1244 нафар ўқувчи-ёшлар футбол, волейбол, баскетбол, бокс, кураш ва оғир атлетика тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрни айтиш мумкин. Яъни спортчиларимиз юқори натижа кўрсатиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

2005 йил мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили», деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан ўқув муассасалари-



да маънавий-тарбиявий ишлар кучайтирилди. Хусусан, "Соғлом танда — соғ ақл", "Шахсий гигиена қондалари", "Саломатлик — туман бойлиги" мавзудаги давра суҳбатлари ёшларда катта таассурот қолдирди. Яқинда ўқувчи-ёшлар ўртасида "Алломиш ва Барчиной", "Соғломжон-полвонжон" спорт мусобақаларини ташкил этдик. Фолиблар туман халқ таълими бўлими томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Туманимизда турли миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилишади. Уларнинг фарзандларига пухта таълим-тарбия бериш, байналмилал гоиларни кенг тарғиб қилиш биз, педагогларнинг биринчи даражаси бурчимиздир. 2004-2005 ўқув йилида дарс машғулоти ўзбек, қозоқ, рус, қирғиз, тожик тилида олиб бориладиган синфларнинг барча ўқувчилари тегишли дарсликлар билан ўз вақтида таъминланди. Касб-хўнара коллежларида режа бўйича ўтказилаётган "Очиқ эшиклар" куни ёшларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Албатта, таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш борасида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг охири айтишимиз керак. Дейлик, умумтаълим мактаблари учун малакали мутахассисларга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Физика ва кимё фанлари бўйича дарс машғулоти лари олиб бориш учун лабораториялар кам, таълим жараёни қозоқ, тожик, қирғиз тилига ихтисослашган мактабларни тегишли дарсликлар, ўқув-ўқувчи қўлланмалар билан таъминлашга мўяян қийинчиликлар вужудга келмоқда. Ҳомий ташкилотлар ана шу масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса келажак мактабдан бошланишини унутмаслигимиз лозим.

Ўқитувчи — ҳаёт боғбони. Ёш авлодни вояга етказишда унинг хизмати беқиёс. Президентимиз Фармонига асосан яқинда халқ маорифи ходимларининг ойлик маошлари оширилганлиги айнаи мўдда бўлди. Бу катта эътибор ва гамхўрлик ўқитувчи-мураббийларимиз кўчига-кўч қўшиб, уларни бунёдқорона ишларга руҳлантириши шак-шубҳасиз.

Савоб — мурувватли инсонларга хос

Янги йил арафасида O`zLiDeP Чилонзор туман партия ташкилотлари саъй-ҳаракати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, туманда жойлашган 23-болалар уйи, 317, 430, 363-сонли боғчаларда тарбияланаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига жами 243 000 сўмлик янги йил совғалари топширилди.

Бу борада Ботир Кўзибоев, Абдулла Тожибоев, Ботир Зуфаров каби серҳиммат тадбиркорларнинг хизмати каттадир.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, "Осмонда гумбуллаган чақмоқдан ерда бир камбағалнинг қозонини қайнатган олов афзал". Орамизда саҳий ва мурувватли одамлар кўпаяверсин!



ТАДБИРКОРЛИК

МАЪРИФАТ

САХОВАТ

ЎҒЛИМ, ҲАҚ ДЕГАННИ ҚЎЛЛАГИЛ ФАҚАТ,
ПАРВОЗ ҚИЛАР БЎЛСА— ОСМОНИ БЎЛГИЛ.
ЎВУЗЛИККА ҚАРШИ ҚУДРАТИНГ КЎРСАТ,
МУДОМ ЭЗГУЛИКНИНГ ПОСБОНИ БЎЛГИЛ.

Бугун биз "XXI asr" мушоирасига шеърятимизнинг таниқли вакилларида тортиб, энди қад ростлаётган ёшларни-да таклиф этдик. Зеро, барчамиз машҳур файласуф Конфуций тили билан айтганда, "Бошловчилар эмас, балки давомчилармиз". Дунёнинг ўзи шу — бировнинг юкини биров кўтаради. "Менинг йилларим — менинг бойликларим", дейди Роберт Рождественский. Яна бир йилимиз ортда қолди. Умр бойлигимизга яна бир йил қўшилди. Биз бу умргузаронлик йўлларидан нимани топдик, нимани йўқотдик? Ёки кимни топдигу, кимни йўқотдик?

Бундан ҳам муҳимроғи, шукрки, биз тирикмиз. То юрагимиз уриб турар экан, азиз умримизнинг ҳар дақиқасини муносиб яшашга масъулмиз. Биз бугун ёруғ кўнги, ёруғ юз билан барча дўстларимизни мушоирага таклиф этамиз.

Янги йил, янги ер, қирга борайлик,
Қай бир синоатга сирга борайлик,
Каерга борсак ҳам Худодан сўранг,
Эски дўстлар билан бирга борайлик.

Янги гуллар бўлсин оқшомда, тонгда,
Жом-жиҳозлар янги, минг хиллик бўлсин.
Янги чироқ ёнган ҳар хонадонда,
Дўстлик эски бўлсин, минг йиллик бўлсин!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон
Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ
шоири



*Ўн аср эволюцияси ўзини
Ўз шайхона султонлиги бўлганини
донишманд*

Молу давлат гирдобларида
Неча аҳли тамизлар кетди.
Шону шухрат саробларида
Қанча дўсту нодўстлар кетди.
Ташбақаддай имиллаб кимдир,
Порлаб вақти тигизлар кетди.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ
шоири

Бу йўллар

Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,
Бу йўлларнинг эса адоғи бўлмас.
Эзгу ниятларга ошно ҳар дилнинг
Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

Бу йўллар таратгай Ўзбекининг шонин,
Неча манзилларда машъал ёққайдир.
Бу йўллар... Айланиб ҳали, дунёнинг
Чаккасига гуллар таққайдир!

Йўқни йўқлаб туринг...

Гул гўзал минг турфа ранги бор учун,
Тун нурли ортида тонги бор учун,
Вале одам азиз онги бор учун,
Илоҳо, азизу муқаррам бўлинг!

Бир бора келгаймиз дунёи дунга,
Тунни омон тутинг қуёшли кунга,
Оллоҳ ҳамроҳ қилсин бағри бутунга,
Илоҳо азизу муқаррам бўлинг!

Бахт боғда кўкармас оқил боғбонсиз,
Тахт кўкка бўйламас доно сарбонсиз.
Ҳар кун шукр қилинг тинчсиз, омонсиз,
Илоҳо азизу муқаррам бўлинг!

Офтоб озоридан осмон ўкинмас,
Жилға жамолига тошлар тўқилмас,
Дилда имон устун, қаддинг бўқилмас,
Илоҳо азизу муқаррам бўлинг!

Ҳасадгўй ҳар тунда ёмон туш кўрар,
Сахий дил тубида бир беҳишт кўрар,
Йўқни йўқлаб туринг, Тангри хуш кўрар,
Илоҳо азизу муқаррам бўлинг!

Ўзига ишонмай яшаш ёлғондир,
Кўёшга қўл чўзинг, нури нарвондир,
Хуш ният ёр бўлса дунё омондир,
Илоҳо азизу муқаррам бўлинг!

Яхши одам

Бир кун донишмандга бердилар савол:
Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?
Севиб ардоқласа элу юрт хушсол,
Чиндан яхши одам ушадир балким?
Донишманд дедик: — Майли, ҳар ким ҳам
Яхши бўлгум дея ҳар зум уринсин.
Майли, яхшиларга ёқсин у одам,
Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!

Посбон

Ўғлим, Ҳақ деганни қўллағил фақат,
Парвоз қилар бўлса — осмони бўлгил.
Ўвузликка қарши қудратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

Тилак

Танграм, ҳар банданга ўзинг қил шафқат,
Жисмига қувват бер, руҳига рағбат.
Ахир нималарни орзу қилмас у,
Фақат эзгуликка йўл бергин, фақат.

Турсуной СОДИҚОВА



Қалами жоним...

Қалами жоним-ей, қалами жоним,
Нега ширин шеърлар тўқимай қўйдик?
Оромижонимсан, қалами жоним,
Нечун мисраларга тўқилмай қўйдик?
Олтмишдаман ахир, отдаман ахир,
Тулпорим интилар алвон уфқа.
Гуноҳдир очилмай кетса бу бағир,
Онам мени ахир шоира тўққан.
Қаламжон, тилингни дилимга ула,
Ғужғон дурларимни битталаб тизгин.
Юрагим минг тола рангларга тўла,
Минг бир пардаларда суратин чизгин.
Уммондир хисларим мен мисли говвос,
Имласам, кофия лашкардай босар.
Ёз, ёзмасанг гар, - дейди бир овоз, -
Ичингда юрагинг ўзини осар!
Сиеҳдонинг бўлсин кўзим қораси,
Қаламжон, дилимга қулоқ солгин-а.
Дунёга устунмас одам боласи,
Мендан оларингни олиб қолгин-а...

Сироҳиддин САЙИД



Оддий тилаклар

Кўнгилларга сафо бергил,
Софлик беру оқлик бер
Муҳаббат бер, муруват ҳам
Меҳр бер, муштоқлик бер.

Оталарга фароғат бер
Ва роҳат бер бус-бутун,
Оналарга саодат бер,
Умр беру соғлик бер.

Ўйлар

Бу дунёдан азизлар кетди,
Фикратида юлдузлар кетди.
Ўтди неча авлиё зотлар,
Дуосида қақнуслар кетди.
Ўтди Аллоҳ ишқида Мажнун,
Пайғамбарга эгизлар кетди.
Оҳ урганда ноласи қуюн,
Кулгусида кундузлар кетди.
Торларидан бўлбул сайраган,
Элга дармон хофизлар кетди.
Чимилдиққа кирмаган неча
Сор йигитлар, хур қизлар кетди.
Чумолидек тоғларда кезган
Хазинаси қомуслар кетди.
Майсалари саволат айтган
Баҳор-боғли андизлар кетди.
Қаърларида садафлар тўққан
Неча баҳрул денгизлар кетди.
Ер юзини шамолдай кезган
Қадамларда шаън излар кетди.
Ватан қадрин номус билганлар
Ибратида нон-тузлар кетди.
Аждодларнинг шукх-шонидан
Чақнаб фидо ворислар кетди.
Мункиллаган донишманд йиллар
Кипригида қор кезлар кетди.
Дор устида Эрк-иймонида
Букилмаган қад, тизлар кетди.
Тирикликнинг тегирмонида
Янчилик не тўқислар кетди.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ
шоираси



Мушоира

Ҳақ деганни қўллағил фақат

Ўғлонларга иқбол бергил,
Имон бергил саломат,
Шижоат бер, ору номус,
Доим кўкси тоғлик бер.

Латофат бер қизларга ҳам,
Малоҳат бер, садоқат.
Яна хусну чиройига
Бахтини ҳам боғлиқ бер.

Ёр кўксидан паноҳ бергил
Севиб севиладанларга,
Севганларга ёр зулфидан
Дорлик бер, сиртмоқлик бер.

Айвонларга мунавварлик
Ой ва кўёш меҳридан,
Ҳар бир уйни бешиқлик бер,
Аллалик, бедорлик бер.

Ким бўлмасин, тўқис айла
Ризку насибасини,
Чеккан ранжу заҳматидан
Ҳар он вақтичоғлик бер.

Дўстлар сафин мустаҳкам эт,
Аҳил этгил, иттифоқ,
Душманларнинг каторига
Токлик бер, тарқоқлик бер.

Ҳаволанмоқ нечун ахир,
Инсонизму ҳаммамиз.
Ҳар кимга ҳам инсоф бергил,
Ўзингдан кўрқмоқлик бер.

Жилғаларга жавлон бергил,
Чопсин кўзичоқлардай,
Чўққиларга залвор бергил,
Қорлик бер, виқорлик бер.

Сен қўлладиң, тўлди гулу
Чечакларга бул Ватан.
Бундан сўнг ҳам бағрин баҳор,
Бўстонлик бер, боғлик бер.

Шеърга солмоқ учун шунча,
Орзу ва умидларни,
Менинг шоир дилларимга
Дардақшлик бер, доғлик бер.



Эшқобил ШУКУР

Сен баҳрдан олдин гуллайсан,
Жилмасан сахардан олдин.
Ҳар гал ойдан олдин тўлгайсан,
Жон ичиди жавҳардан олдин...
Сен олдин.
Сен олдин.

Сен ёлғондан аввал йиғлайсан,
Ёгажаксан қорлардан аввал.
Янги йилдан аввал киргайсан,
Дил тубида зорлардан аввал...
Сен аввал.
Сен аввал.

Юрагимнинг боғчаларида
Етаклайсан ўн икки ойни.
Дил дарахтин шоҳчаларида
Куртаклаган етмиш минг куйни
Сен чалдинг.
Сен салдинг.

Сувдан олдин дарё жони сен,
Сен ёрийсан чақмоқдан олдин.
Йиғлаётган булут қони сен,
Ҳар қадаминг сўқмоқдан олдин...
Сен олдин.
Сен олдин.



Салим АШУР

Сен

Нигунларнинг сафидан танлаб,
Менга бахтлар ато этдинг сен.
Қон ярамга босиб малҳам-лаб,
Мен бормаган юртга элтдинг сен.

Бу боғларнинг юпун руҳида
Шовуллаган ёшлик эмасми?
Бир дарахтни кучиб йиғласам,
Эсполмайман сени, демасми?

Даргоҳига бош уриб келсам,
Мени қабул қиладими, боғ?
Бу боғларнинг хазони кўпми,
Ёки менинг қалбимдаги доғ?

Аллақачон чиқиб кетганман
Бу боғларнинг маҳзун ёдидан.
Аммо нега жонимга ҳамон
Титроқ тушар хотиротидан.

Хаёлимга келтирмай туриб,
Юрагимга кириб улгурдинг.
Эй, боғ, наҳот бугун ортимдан
Бир қиз бўлиб ўзинг югурдинг?..

Йўқ, бўлганман, чиқиб кетганман,
Бу боғ менга жудаям таниш.
Ғамларига ёлғиз етганман,
Бу боғларнинг мазмуни — ёниш!

Кўзимдаги бор нур, зиёни,
Юрагимнинг ҳар бир торини
Ва жонимнинг барча риштасин,
Бошимдаги қисмат қорини.

Энг муҳими (бу жуда муҳим),
Умримнинг бор йилларини ва
Бор кунлари, соатларини,
Ҳар дақиқа, сониягача.

Бир ҳовуч сув каби тутсам мен,
Бир гул учун асрагил, боғим.
Чанқаб келиб ичганда
Сира
Оғримасин лаби, дудоғи.

Дилором АБДУРАҲМОН ҚИЗИ



Наҳот,

менда бугун кўхна,
азалий ишқнинг
Маҳзун йўлларидан дуойибадман.
Саргайган, сарғариб армонларимнинг
Шаҳарлари ичра самари қадман.
О, менинг соғинчларим ювилган осмон
Сен кимнинг кўзисан,
нечун йиғладиң?
Ёлғирлар ёғдиму Самарқандга ҳам,
Толедан кулдингму
Нега йиғладиң?
Қилмаган гуноҳдан ўзи уялиб,
Умринг орасидан кузатмоқда ким?
Сен мени осмонга бой бериб қўйма,
Осмонлар суйдими ё, қуяпман жим,
... Учгим келиб кетди турналар билан,
Ишқ юртининг жануб,
жанубларига...

Хаёлларинг сувратини чизиб берайми,
Соғинчларим дил жомига сузиб берайми,
Армонларинг ичра ойдек кезиб юрайми,
Найлай, сени армонларга бергим келмайди.

Дунёларни тор демагил, вайрона дема,
Ва ё гариб, бағри чил-чил, садпора дема,
Ёлғиз жоним жаҳонингда оввора дема,
Найлай, сени жаҳонларга бергим келмайди.

Армонларнинг сарҳади йўқ, ета олмайсан,
Улар сирли, ва ё кечиб кета олмайсан,
Тушларингда қўларидан тута олмайсан,
Найлай сени оқшомларга бергим келмайди.

Ажаб, ишқим осмонларда бир оҳ бўлдим,
Ўшал оҳлар бу дунёда гуноҳ бўлдим,
Шул гуноҳлар ишқимизга паноҳ бўлдим,
Найлай, сени осмонларга бергим келмайди,
Гуноҳларга, гумроҳларга бергим келмайди.



Кўчқор НОРҚОБИЛ

Ёлғизлик

Деразанинг ортида қор —
Дийдирайди оппоқ сукут.
Соғинч каби бир бегубор
Қор ичимда ёқади ўт.

Қанча қорлар ёғиб ўтди —
Ўтган кунлар бўлмас унут.
Қайси қарғиш мени ютди
Қор ичимда ёқади ўт.

Токчадаги жомда шароб,
Ичаверинг! Ич, хаётим!
Йиғлапман қорга қараб
Ёғар кимнинг хиёлати?

Хатоларинг адоғи йўқ,
Ҳар қадамим қайғу, озор...
Ҳаммасидан воқифдир кўк —
Ҳасратимни кўммоқда қор.

Ташқарида бир мунгли сас,
Ёдим кўрди кўзларингни...
Тинглапман,
Йўқ, қор эмас,
Кўқдан тушган сўзларингни...

Бу дунёи бир камдаги
Хор этмасдан қўйма... Токи
Эзиб турса елкандаги
Музлаётган соғинч юки...

Деразанинг ортида қор —
Дийдирайди оппоқ сукут.
Соғинч каби бир бегубор
Қор ичимда ёқади ўт.

ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*Мушаккис тавонакешимиз келқини, бирди энергетикарғини
мусулмонларғини азиз ва шукрқини байрамларидан бири —
Қурбон ҳайити билан бизни диндан муборакбод эшадди ҳамда
эни эзгу шайхларғини йўллайди.*

*Ҳикматиди ҳаннаш нури зилган тани шу серфайв кунларди
ҳамма-ҳаммага аъло кайфият, сизхат-саломатлик ва бирдамлик,
хонадонларғига шинелик-хотирҳамлик, аҳил-инноклик,
дастурхонларғига шўкинлик тилаймиз!*



«ШҶҮРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси

Азиз юртдошлар!
Бутун мусулмон оламининг
мўътабар байрами—Қурбон
ҳайити барчамизга муборак бўлсин!
Бугунги кўтаринки кайфият,
шоду хуррамлик, ўзаро ҳамжиҳатлик
ва саховатпешалик жамиятимизнинг
ҳар бир фуқаросига доимий йўлдош
бўлиб қолишига астойдил тилакдошимиз.



ИСРОИЛ

Исроил жиддий синовлар бўсағасида

ЎЗИНИНГ СИЁСИЙ ХАРИТАСИНИ БУТКУЛ ЎЗГАРТИРАДИМИ?

Серташвиш Яқин Шарқ минтақаси ўз можаролари билан яна жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидан жой олди. Чунки дунё барқарорлиги кўп жихатдан Исроил—Фаластин, Исроил—Араб муносабатларига боғлиқ. Ўтган ҳафтада ҳам Исроилнинг ички ва ташқи сиёсати, қолаверса, Фаластиндаги вазиятга таъсир кўрсатувчи ҳодиса юз берди. У ҳам бўлса, 2001 йилдан бери турли айбловларга қарамай, ҳокимият тизгинини қўлдан бермай келаётган 77 ёшли бош вазир Ариель Шароннинг хасталаниб қолишидир. Ҳафта давомида уч маротаба жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказган Исроил ҳукумати раисининг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар муттасил кураш олиб бормоқдалар. Қузатувчиларнинг фикрича, Шароннинг сиёсатдан кетиши Яқин Шарқдаги вазиятга у қадар кўп таъсир кўрсатмас-да, Исроилдаги ички сиёсий курашни кескинлаштириб юборади.

■ Қахрамон ҚҮЛДОШЕВ

Шу ўринда бутун дунё учун оғир келган 2005 йилда Ариель Шарон жуда мураккаб имтиҳондан ўтганини таъкидламоқ жоиз. У партиядошлари ва жамиятдаги радикал кучларнинг кескин қаршиликларига қарамай, Исроил ҳарбий бўлинмалари ва яхудий жамоаларини 1976 йилги Араб-Исроил урушида эгалаб олинган Ғазо секторидан бутунлай ва Иордан дарёси ғарбидан қисман олиб чиқиш режасини амалга оширди. Ўтган асрнинг 70-йилларида асос солинган ва ўзи раҳбарлик қилган "Ликуд" партиясини ноябрь ойида тарк этиб, янги "Кадима" партиясини тўзди. Бу ҳам етмагандек, яна бир таваккалчилик қўлурди: мамлакат президенти Моше Кацавни муддатидан аввал, аниқроғи 28 мартда парламентга сайловлар ўтказишга кўндира олди.


Ҳозир Исроилдаги сиёсий вазият қай томонга ўзгариши ноаниқ. Бош вазирнинг янги партияси — "Кадима" аҳоли тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Чунки Шарон ҳали сайловда қатнашадиганлар рўйхатини тузиб улгурмаган эди. Шунга қарамай, аксарият қузатувчилар бош вазир лавозимини вақтинча ижро этаётган Эхуд Ольмертнинг кенжа партия раҳбарлигига муносиб номзод дея таъкидламоқдалар. Бироқ унда Шаронга хос обрў ва бағрикенглик, ўз атрофида ҳам ўнғ, ҳам сўл кайфиятдаги нуфузли сиёсат-

чиларни бирлаштира олиш қобилияти етишмайди. Шу сабабли таҳлилчилар "Кадима" Шаронсиз муқаррар мағлубият аламини тортишига шубҳа қилишмаяпти. Шунга қарамай, яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар "Кадима" Исроил парламентидаги 120 ўриндан 42 тасини эгаллаши мумкинлигини кўрсатди. Аммо бош вазирнинг миёсига қон қуйилганидан кейинги сўровларга қараганда "Кадима" ўз тарафдорларининг 25 фоизини йўқотган. Бошқа икки сиёсий партия — "Авода" ва "Ликуд" ана шу сайловчиларни ўз томонига ағдариб олган. Хуллас, 28 март куни Кнессетга ўтадиган сайловда асосий кураш мана шу уч партия ўртасида кечиши кўтилмоқда.

Айни пайтда Яқин Шарқдаги сиёсатшунос ва шарҳловчиларнинг "қирғий" лакаби билан машҳур сиёсатчи генералнинг ҳукуматдан кетиши билан боғлиқ хавотирларига минтақада турлича муносабат билдирилмоқда. Ливанлик сиёсатчи Маан Башурнинг фикрича, "унинг сиёсий умри тугаб бўлди".

Шунингдек, Шароннинг сиёсатдан узоқлашиши ҳам Исроилдаги ички вазиятга, энг аввало, унинг ташаббуси билан тузилган "Кадима" ("Олга") партиясининг тақдирига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фаластиндаги Хамас ҳаракати сиёсий бюросининг аъзоси Муҳаммад Наззал эса бошқачароқ фикрда. — Шарон партиясининг



кељагаги йўқ. Афтидан уни парчаланмиш кутаяпти. Бу ҳам майли, янги альянс ва блоклар тузилади, Исроилнинг сиёсий харитаси буткул ўзгаради. Маълум сиёсий бўйлиқ пайдо бўлади. Бундай шароитда янги етакчи тинчликка йўналтирилган жиддий қадамлар ташлай олмайди.

Умуман олганда, Шароннинг сиёсатдан кетиши минтақадаги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатмас керак, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Чунки Араб — Исроил можароси ярим асрдан кўпроқ давом этмоқда.

Ёсир Арофатнинг ўлимининг Исроилда қанчалик шод-хуррамлик билан қутиб олишган бўлса, Ариель Шароннинг оғир дардга мубтало бўлганини Фаластиндаги айрим гуруҳлар ҳам шу қадар мамнунлик билан қарши олишди. Чунки бир пайтлар "қирғий"нинг ўзи босиб олинган ҳудудларда араблар исённи бостиргани, яъни 1982 йилда Байрутдаги Сабра ва Шатила қочқоқлар лагеридан оммавий қиргин ўтказгани кўпчилик арабларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Шарон ўзи учун жуда қийин шароитларда ҳам Исроил — Фаластин можаросини барқарорлаштириш йўлида муҳим тарихий қадам ташлади. Жамоатчилик қаршилигига қарамай, яхудий манзилгоҳларини Ғазо секторидан олиб чиқди. Айни масала 2000 йилнинг ёзида Эхуд Барак ва марҳум Ёсир Арофат ўртасида АҚШнинг Кэмп-Дэвидда ўтказилган музокараларининг муваффақиятига салбий таъсир кўрсатган, энг ёмони фаластинликлар интифадаси (исёни) нинг бошланишига туртки бўлганди. Шундан келиб чиққан ҳолда халқаро жамоатчилик Исроилда ҳам, Фаластинда ҳам кетма-кет ўтказиладиган сайловлар ортидан радикал кучларнинг ҳокимият тепасига келишидан хавотирда. Агар "Ликуд" партияси ҳозирги кўринишдаги рўйхати билан ҳукуматни эгалласа, Фаластин билан муносабат янада кескинлашади. Чунки "ликуд"чилар фаластинликлар билан музокара олиб бормаслик, бир парча ерни ҳам қайтармаслик тарафдорларидир.

БРИТАНИЯ

Британия сиёсий партиялари ичида нуфузи жиҳатидан учинчи ўринни эгаллаб турган Либерал-демократик партия етакчиси истеъфога чиқишини эълон қилди. 46 яшар Чарльз Кеннеди кейинги пайтларда алкоғолизм асоратидан буткул халос бўлганини, шунга қарамай, ишлаш нияти йўқлигини эътироф этди.

гининг хабар беришича, Либерал-демократик партиянинг парламентидаги 62 нафар аъзосидан 25 нафари Кеннедининг партияга етакчилик қилишига қарши чиққан. Шундан кейин у матбуот анжуманини чақириб, лавозимидан кетишини маълум қилди.

Либераллар раҳбари истеъфога чиқади


Унинг сўзларига қараганда, охириги бир ярим йил мобайнида майхўрликдан қутулиш йўлида даволанган ва айни пайтларда касалликдан батамом қутулишга эришган. Бироқ шу пайтгача у алкоғолизм билан боғлиқ муаммоси борлиги хусусидаги миш-мишларни инкор этиб келганди. Энди мазкур ҳолатни ўзининг шахсий ҳаёти билан боғлиқ масалани сир сақлашга интилгани билан изоҳламоқда. Рейтер агентли-



АҚШ

Бжезинский Бушни огоҳлантирди

Америкалик машҳур сиёсатшунос, президент Жимми Картер маъмуриятида миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган Збигнев Бжезинский Жорж Бушни Ироққа оид мақсадларни қайта кўриб чиқишга чақирди.



— Ироқ куролли кучлари кўмагида исёнчиларни мағлуб этиш ва у ерда ягона, барқарор дунёвий давлатни қуриш мақсадини маъмурият айни шароитларда амалга ошира олмайди. Исёнчиларни ер тишлатиш ёки ҳеч бўлмаганда суннийлар ва шиалар ўртасидаги тўқнашувларни тўхтатиш учун Ироқдаги Америка контингенти камлик қилади. Бундай шароитларда кўшинларнинг Ироқда қолиши умуман маъносиз бўлиб, фақат муслмон оламида ишголчиларга қарши нафратни кучайтиради ва АҚШнинг халқаро нуфузини емиради, холос. Оккупациянинг яқунлашиши эса Ироқдаги тинчликни сақлаш миссиясига муслмон мамлакатларни жалб этиш, шу йўл билан минтақадаги Америкага қарши кайфиятни пасайтиришга имкон беради. Бжезинский президент Бушни атрофидагилар тиқштиратётган маъносиз Ироқ сиёсатидан воз кечишга даъват этди. Унинг фикрича, президент расмий лавозимларга интилмайдиган нуфузли республикачи ва демократлар билан ўз маслаҳатчилари атрофини кенгайтириши ва Американинг Ироққа оид эришса бўладиган янги мақсад ва қарашларини ишлаб чиқиши керак.

ТУРКИЯ

Туркиянинг Эрон билан чегарадаги Ван шаҳрида истикомат қиладиган Кўчйигитлар оиласининг учинчи фарзанди ҳам оламдан ўтган.

Туркияда

«парранда тумови»

Хулянинг олмаси Фотима ва акаси Меҳмет Али бир неча кун олдин «парранда гриппи»дан нобуд бўлгандилар.

Оиладаги тўртинчи фарзанд — Али Ҳасан ҳам ҳозирча шифохонада. Хабарларга кўра, Кўчйигитлар оиласининг паррандага ихтисослашган фермер хўжалиги бўлиб, болалар кўпинча касал парранда гўштини истеъмол қилганлар.

Туркияда ўлимга олиб келувчи H5N1 ёки оддий тилда «парранда гриппи» деб аталган вирус қушлар орасида аниқланган, бироқ шу пайтгача инсонлар ўлимига сабабчи бўлмаганди.

Мамлакат соғлиқни сақлаш расмийлари Ван шаҳрида касалликни юқтирганлик гумони билан 80 нафардан ортиқ киши касалхонага ётқизилганини маълум қилмоқдалар.



ТАБРИК


Ўзбекистон халқини ва барча мўмин-мусулмонларни мўқаддас байрам — ҚУРБОН ҲАЙИТИ муносабати билан самимий табриклайди.

Ҳайит байрами инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат ва мурувват уруғларини сочишга хизмат қилади.

Ушбу саҳоватли айём кунларида Яратгандан мампақатимиз аҳлига хайр-баракот, тинчлик ва фаровонлик ато этишини сўраймиз.

«ХОРАЗМ ҚУРИЛИШ»

очиқ акциядорлик жамияти



БОКС

Иккинчи раундда қарор топган ҳақиқат

Янги йилнинг дастлабки кунлари ўзбек профессионал боксчилари учун омадли келди, десак, муболага бўлмайди. Зеро, ўтган ҳафтада афсонавий — Майк Тайсоннинг шу йил февраль ойидан бошлаб ҳамюртимиз Тимур Ибрагимовнинг жанглирида унга секундантлик қилиши ҳақидаги хабар барча ўзбек бокс ихлосмандларини ҳайратга солган бўлса, жорий йилнинг 7 январь кунини Германиянинг Мюнхен шаҳрида яна бир чарм қўлоқ устамиз — Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги галабасини қўлга киритиб, ҳаммамизни қувонтирди.



миз жанга иккинчи раунддаёқ нукта қўйди: қутилмаганда рақибнинг пастдан берган зарбасини ўтказиб юборган Руслан, ўзини йўқотиб қўймади, америкалик боксчига нисбатан аввал тўғридан, зум ўтмай эса чап қўли билан ён томондан кучли зарбалар йўналтириб, рақибини ерга ағанатди. Русланинг зарбалари ҳақиқатан кучли экан, натижада германиялик рефери Эрих Штумпфель ўнгача санаганидан кейин ҳам ўзига келмаган Кэллоуэининг нокаутга учраганлиги эълон қилинди.

га учратди. Боксчиларнинг 2002 йил АҚШда бўлиб ўтган дастлабки учрашуви Кэллоуэининг қоши ёрилгани боис ниҳосига етказилмай, техник дуранг билан якунланганди. Энг қизиғи — Руслан ўзaro беллашувда чинакамга голиб бўлиш имкониятига тасодифан эришди. Гап шундаки, Кэллоуэй шу кунини аслида украиналик суперогир вазндаги Александр Дмитренкога қарши жанг қилиши лозим эди. Бироқ белгиланган учрашувга уч ҳафта қолганида машгулотлар давомида чап тирсагидан оғир жароҳат олган Александр рингни «эски кадрдонлар»га бўша-тиб беришга мажбур бўлди.

«Оқ Тайсон» эса берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, рейтингдаги ўрнини яна бир неча поғона кўтариб олди. Шу тариқа профессионал фаолиятидаги 19 жанги давомида галабалар сонини 18 тага, нокаутларни эса 16 тага етказган Чагаев ўз вазини бўйича Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBO)нинг чемпионлик унвони сари олган томон яна бир одим ташлади. Уйлаймизки, боксчиларимизга йил бошида қўлиб боққан омад уларга йил давомида ёр бўлади. Руслан эса кўзланган мақсадига эришиб, ўзбекистонлик чемпионлар сонини яна биттага кўпайтиради.

Шухрат ХҲАЕВ

Америкалик Роб Кэллоуэйга қарши жангда ўзбекистонлик боксчининг унга «Оқ Тайсон» лақаби бежиз берилмагани яна бир бора исботлаши учун кўп вақт керак бўлмади. Рингга энг нуфузли тоифа — суперогир вазнда тушадиган ҳамюрти-

ТАВРИК

Advertisement for TURON BANK featuring a large image of a building and text: АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» Мамлакатимизнинг барча фуқароларини муқаддас байрам - Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этади!

БИЗНЕС-БАШОРАТ

КҲЙ. Ижодий касб эгаларининг илҳомлари жўшиб кетиши қутилмоқда. Молиявий ишлар билан шуғулланувчиларга эса юлдузлар ўз «ички овоз»ларига қулоқ тутишни маслаҳат бермоқда. Ён-атрофингизда рўй бераётган, айниқса, шахсан сизга тегишли воқеалардан хабардор бўлганингиз маъқул. Ана шунда эски муаммоларингизни ҳал қилишга эришасиз.

БУЗОҚ. Имижингизни ўзгартириш имконияти туғилса, фурсатни бой берманг. Харажатдан қочманг. Кўп ўтмай, сарфлаган маблағингизни икки хисса қилиб қайтариб оласиз. Фаолияти бевоқиф биржа, қимматли қоғозлар ва сугурта билан боғлиқ «бузоқ»лар ҳафта мобайнида чўнтақларини қаппайтириб олиш имкониятига эга бўладилар. Устига-устак буржнинг пешонаси ярқираган вакиллар ҳафта охирида қутилмаганда муқофот ёки совға-салом олишлари қутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Ота-онангиз ёки турмуш ўртоғингиз илтимосларини бажариб ҳамда фарзандларингиз ёхуд укаларингиз тарбияси билан шуғулланиб, ҳафтанинг биринчи ярмини уйда ўтказганингизни билмай қоласиз. Бирон нарсани баҳона қилиб, анчадан бери кўрмаган қариндошларингиз, ҳамкасбларингизни қўриқиб буурсангиз, асло ютказмайсиз. Сабаби — айнан ана шу зиёратларингиз пайтида жиддий қелишувларга эришувингиз қутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА. Иш жойингизда катта ютуқларга эришасиз. Бирор муаммони ҳал қилишга киришишдан аввал, яхшилаб мулоҳаза юритинг, яқинларингиздан маслаҳат олинг. Уйда биттиришингиз мумкин бўлган иш таклиф қилишса, бажонидил рози бўлинг. Дангасалик қилманг, иш ҳаддан зиёд кўпайиб кетса, тишингизни-тишингизга қўйиб қиданг. Кўп ўтмай ҳаракатларингизнинг самарасини кўрасиз.

АРСЛОН. Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларингизни ҳал қилишни маслаҳат беради. Бунинг учун ҳаммом ёки саунага боришингиз, уқаловчининг қабулига ёзилишингиз ва албатта, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган чой дамлаб ичишингиз киёф. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса иш жойингизда йиғилиб қолган юмушларингизни ҳеч қандай қийинчиликларсиз бир пастда ниҳосига етказасиз.

ПАРИЗОД. Мазкур ҳафта «паризод»ларга олам-олам қувонч бахш этади. Лавозимингиз янада кўтарилди. Пинҳона қилаётган баъзи хайрли ишларингиздан воқиф бўлган оила аъзоларингизнинг эса сизга нисбатан муҳаббати янада ортади. Харажатларингизни доимо танқид қиладиган шахслар, сизни осмонга кўтаришга тайёр турадилар. Аммо сиз талтайиб кетманг. Дунёқарашингизни доимий равишда кенгайтириб бори.

ТАРОЗИ. Огоҳ бўлинг, акс ҳолда фирибгарлар чув тушириб кетишлари мумкин. Ҳафта давомида маблағларингизни ёстигингиз остида ёки пайпоқлар ичида сақлаш бефойда эканига яна бир бора амин бўласиз. Оила аъзоларингиз иштирокида қандай тadbир ўтказилмасин, сиз ўша ерда ҳозир нозир бўлинг.

ЧАЁН. Йиғилиб қолган ишларга «шўнғиш» вақти келди. Янги йил харажатларини қоплашингиз учун касбий фаолиятингиздан четламаган ҳолда пул топишингиз янги усулларни қидиришга мажбур бўласиз. Юлдузлар бу борада сизга омад қилиб боқшини башорат қилмоқда. Савдо-сотик соҳасида ҳам ишларингиз бирданга юришиб кетади.

ЎҚОТАР. Катта, ҳатто улкан ишларга қўрқмасдан қўл ураверинг! Ҳафта давомида сизни нури келажакка бўлган ишонч, яъни оптимистик руҳ тарқ этмайди. Қариндошингиз ёки қўшинингиз маслаҳат сўраб олдингизга келса, унга чин кўнгилдан ким қандай яшашни кераклигини тушунтириб беринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Сизнинг фикрингизча, бировнинг нотўғри туюлган маслаҳатига қулоқ тутманг. Ўзингиз нимани маъқул кўрсангиз, ўшанга қўл уринг. Зеро, юлдузлар ҳафта давомида кўпроқ «ўзим» сўзини ишлатишингизни башорат қилмоқда. Тез аланга оладиган буюмлардан эҳтиёт бўлинг. Оилангизда яккахоким бўлиш истагида юрган қариндошингиз билан ўзаро низо вужудга келиши мумкин.

ҚОВГА. Ишонган кишингиздан бири ўзининг бемаъни ишлари билан сизни хафа қилиб қўйиши мумкин. Бироқ сиз яхшилаб суриштиринг, эҳтимол, танишингиз бу ишга билмасдан ёки бошқа бировнинг мажбурий қистови билан қўл ургандир. Келаси ҳафта энг кўнглингизнинг туб-тубида яшириниб ётган сир-асрорни яқин кишингизга тўқиб солиш ва ҳис-туйғуларингизни баён этиш учун қўлай фурсатдир.

БАЛИҚ. Атрофингизга ҳамфикрларни йиғинг. Шундагина ишингизда катта муваффақиятларга эришасиз. Ҳафта давомида сизда атроф-муҳитни сақлаш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совға-салом топириш, беморларнинг ҳолидан хабар олишдек қатор хайрли ишларга қўл уриш иштиёқи туғилади. Ҳафта охирида эса сиз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган бирданга икки-уч нафар ишбилармондан таклиф тушиши қутилмоқда.

ЛАТИФОЛАР

Автобусда бир киши аччиқланиб гапириб кетаяпти: — Ҳозирги ёшларни кўриб, ҳайрон қоласан. Жамоат транспортда катталарга жой беришни ҳаёлга ҳам келтиришмайди. Унга жавобан бир йўловчи: — Сиз ўзи неча хафа бўляпсиз? Ўзингиз ўтириб кетаяпсиз-ку, аҳир! — деса, ҳалиги киши: — Мен-ку ўтирибман. Лекин хотиним бир соатдан бери оғир юклари билан тикка туриб кетаяпти-да, — дебди.

Милиция ходими ширакайф бўлиб кетаятган кишини тўхташиб, сўрабди: — Қаерга кетаяпсиз? — Қаерга бўларди, уйга-да. Янги йил базминини ўтказиб, қулбаи вайронамизга кетаяпмиз. — Нималар деяпсиз, ҳозир март ойи-ку! — Шунинг учун шошиляпман-да, ўртоқ сержант. Ҳойнаҳой, хотин хавотир олаётгандир-ов.

Бир грузин йиғит уй сота туриб, дарёга яқин бўлган ҳовлининг афзалликларини харидорга мақтаётганмиш: — Чўмилгинг келса, бир қадам юрсанг, сув. Экиларни сугормоқчи бўлсанг, мана сув, мана уй. Балиқ тутмоқчи бўлсанг мана уй, мана сув. — Тошқин бўлса-чи? — Э, азизим, ўзинг уйла: сув қаёқдаю уй қаёқда!

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ Мухаммадюсуф ТЕШАБОВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ, Аҳам ШАДМАНОВ, Аҳром АЛИМОВ, Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ, Мухаммадилхом ЙҮЛДОШЕВ, Аъзамжон РАҲМАНОВ, Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ, Бахтиёр ЁҚУБОВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Мансур ЗОКИРОВ, Мухлиса АҚРАМОВА, Маҳмуд САЙДАЛИЕВ, Раҳман ОХУНОВ, Раҳматулло КАМОЛОВ, Раҳмон ҚҮЧҚОР, Суннатулла УМАРОВ, Сирожиддин САЙИД, Шухрат НОГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Қиёмиддин НАЗАРОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Туланбой КАРИМОВ, Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

- Абдували СОИБНАЗАРОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зурад АБРОРОВА, Носир ТОШЕВ, Ориф УЛМАСОВ, Тоҳир МАЛИК, Темир АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Улуғбек ЮСУПОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

- Нигора ДЖУРАЕВА, Замира АҲМЕДОВА

БҮЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-64-80, ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57, ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 55-70-16, АҲБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16, МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САҢАТ 55-68-50, ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:

- Н. ТОШЕВ, Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41. Бюджет рақами: Г-370. Тиражи: 13228.

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иктомий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73-уй.

ЭЛЕКТРОНПОЧТА: axborot@xlasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406


БОШ МУҲАРРИР Миродил АБДУРАҲМОНОВ.



БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ «ASR»

ЕКСПРЕСС-MEDIA»

НОШИРЛИК УЙИ ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.



РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ Тел: (998-71) 51-29-52.

E-mail: milapress@yahoo.com

Advertisement for 'Моя мечта' (My Dream) featuring images of bottles and text: РЕКЛАМА, ФЕВР Оltin medali Geneva 2005, «TOSHKENT YOG-MUQOMBINATI» OAJQK, MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

Advertisement for 'Kuchmas Mulk-Ketmas Davlat' (Kuchmas Mulk-Ketmas Davlat) featuring images of people and text: Республика Кўчмас мулк кетмас ва «Kuchmas Mulk-Ketmas Davlat» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!

Advertisement for TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI featuring text: TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI, Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

Advertisement for MULKDORGA HAMKOR featuring text: MULKDORGA HAMKOR



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



ЭЗГУЛИКДА ЯШАШИМИЗ УЧУН БИЗ ДОИМО ЎЗ-ЎЗИМИЗ БИЛАН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҒИМИЗ КЕРАК.

ВАҚТ — ЭНГ ОЛИЙ ҲАҚАМ

БУНЁДҚОР ҒОЯЛАР АТРОФИДАГИ ЖИПСЛИГИМИЗ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМИЗДИР

Одатда, ҳар қандай сиёсий партиянинг куйи — таянч бўғини саналмиш бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳамisha энг оғир масъулият юклатиб келинган. Аммо ана шу ташкилотларда етарли шарт-шароит бўлмаса, партия ишини ташкил этишга оид қўлланмалар, ҳужжатлар, сиёсий адабиётлар етишмаса у қандай фаолият юритиши мумкин? O'zLiDePнинг энг фаол аъзолари иш юритаётган «Green World» қўшма корхонасида эса бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик.

дир. Суҳбатга бошланғич партия ташкилоти раиси Э. Сулейманова қўшилади: — Партияимиз фаолияти ҳақида ўйласам, бундан салкам икки йил аввалги саъй-ҳаракатлар кўз ўнгимда жонланаверади. — Туманда биринчилар қаторида партия сафига кирганмиш ва бошланғич ташкилот тузганмиш. Шу боис жойларда партия куйи бўғинларини шакллантириш-

лалар ҳамда “Ногиронлар жамияти”, Меҳрибонлик уйлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган йили ўндан зиёд кам таъминланган оилаларга имкон қадар ёрдам кўрсатилди. Мустақиллик байрами, Наврўз айёми, Хотира ва қадрлаш куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари муносабати билан нуруний қариялар, кам таъминланган оилаларнинг вакиллари билан пиёла чой баҳонасида дастурхон атрофида

Айни пайтда вилоятда жамоатчилик эътиборини қозонаётган бошланғич партия ташкилотлари орасида Термиз туманидаги “Сурхон воҳаси” фермер хўжалиги бошланғич ташкилотининг алоҳида нуфузи бор, десак муболаға қилмаган бўламиз. Жамоадаги 94 нафар ишчи-хизматчининг барчаси O'zLiDeP аъзоси эканлиги ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Улар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлаётган кишилардир. Масалан, 2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган, аъзолар томонидан тегишли чора-тадбирлар режалаштирилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилиши қарорига кўра, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бир миллион сўм миқдоридида маблағ ўтказилди, руҳий касалликлар шифохонасига эса етти дона рангли телевизор ҳада этилди.

тўйларини ўтказиш, олий ўқув юрларида тахсил олаётган талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётганлиги эътиборга лойиқдир. Қолаверса, хўжаликнинг ўзи иқтисодий жиҳатдан тобора мустақамланиб бораёпти. Мисол учун, биргина ўтган йили етиштирилган пахта ҳисобидан 80 млн. 975 минг сўмдан кўпроқ, галладан эса салкам 12 млн. сўм даромад олинди. Аҳолига қарийб 20 млн. сўм миқдоридида пуллик хизмат кўрсатилди. Ишлаб чиқарилаётган бежирим мебель ва тикувчилик буюмлари савдо пештахталарида туриб қолаётгани йўқ. Хўжаликка қарашли ўз савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари миқозлар билан гавжум.

Яна бир янгилик: 2006 йилнинг дастлабки кунларида хиндистонлик ҳамкор-

Холмўмин МАМАТРАИМОВ

ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛГАН ЖОЙДА

МУАММОЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

— Фермер хўжалигимиз кам таъминланган оилалар, қаровчисини йўқотган қариялар, турли жамоат ташкилотларига ҳам мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси У. Ашуралиев. — Биргина ўтган йилнинг ўзида турли хайрия тadbирлари учун 10 млн. сўм маблағ сарфланди. Янги йилда ҳомийлик ёрдами яна кўпайтироқчимиз. Шу ўринда айтиш керакки, фермер хўжалиги деҳқонлари 2005 йилни муваффақиятли яқунладилар. 79 гектар майдонда “Наманган 77” нави уруғлик ҳосил етиштирилиб, давлат шартномада белгиланган 213,3 ўрнига 247,5 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. 40 гектар майдондаги галладан 126 тонна ҳосил йиғиштириб олинди, белгиланган режа ортиги билан урдаланди. Хўжаликда 100 бош қорамол ва 400 боддан зиёд майда мол парваришланмоқда. Ўтган йили шу ҳисобдан 10 тонна сут, 5 тонна гўшт етиштирилди. Фермер хўжалигининг тикувчилик ва мебелсозлик цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам миқозларга манзур бўлмоқда.

— Президентимиз таклифи билан Янги йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган кишлоқ мулкдорлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Рисолат Маматқулова. — Аслида ҳомийлик, саховатпешалик ҳалқимизга хос азалий қадриятлардан биридир. Бу иш ихтиёрий равишда амалга оширилиши керак. Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда алоҳида таъкидлаб ошарилади: “Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-аҳсон учун ажратиб эмас. Бу закот ҳам эмас,

лар билан бирга хўжалик қошида велосипед ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланди. Шундай қилиб, термизлик O'zLiDePчилар янги — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мустақил Ўзбекистон тамғаси туширилган энг арзон ва қулай транспорт воситаларини савдо тармоқларига етказиб бера бошладилар.

Ҳаракатда — баракат, “Сурхон воҳаси” партия фаоллари бундан-да каттароқ ишларга қўл уриб, воҳа доруғини кенг ёйишларига шак-шубҳа йўқ.

Улуғбек АШУРАПИЕВ

1982 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тугатган. Янги пайтда Термиз туманидаги “Сурхон воҳаси” фермер хўжалиги ҳисобчиси, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Шукурилло ПАРПИЕВ

— Бу масалада бизнинг омадимиз чопган, — дейди Эльмира Сулейманова. — Корхона раҳбари Аваз Исмоиловнинг ўзи бошланғич ташкилотимиз ҳисобида туради. У O'zLiDeP Сирғали туман кенгашининг раиси сифатида ҳам партиянинг куйи бўғинлари фаолиятини ташкил этишга яқиндан ёрдамлашмоқда.

— Аъзолар сони қанча? — Корхонамишда 70 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 90 фоиздан зиёди O'zLiDeP аъзосидир.

— Демак, партия аъзолари ишлаб чиқариш жараёнининг ҳам ўзаги ҳисобланар экан-да...

— Худди шундай. Биз ўзимизни ҳар бир масалада масъул, деб биламиз. Бунинг яхши томони шундаки, масаладошлар кўп бўлган жойда муаммоларни ҳал этиш ҳам, ишни ташкил қилиш ҳам осон кечади. Бу билан бошланғич ташкилот фаолиятида камчилик йўқ, демоқчи эмасман, албатта. Улар бор...

— Масалан?

— Барча аъзолар зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Аммо, афсуски, уларнинг ижросини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Жумладан, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини намунали даражада ташкил этолмаяпмиз. Шу боис янги йилда сиёсий таълим самардорлигини ошириш, ўқув машғулоти мундарижасини бойитишга жиддий эътибор қаратмоқчимиз.

“Ўзмевасабзавотузуसानоат-холдинг” компанияси таркибига кирувчи мазкур корхона тармоқдаги илғор жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда республикамиз ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилган мева, сабзавот ҳамда поллиз маҳсулотлари пешмапеш қайта ишланиб, савдо тармоқларига етказиб берилмоқда. “Green World” қўшма корхонаси фаолият бошлаганига 5 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам ўзининг доимий миқозларига эга бўлди. Айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотнинг 65 фоизи Россия, Беларусь, Қозоғистон, Корея Республикасига экспорт қилинмоқда.



Салих ЗОИР ФОТОГА



Эльмира СУЛЕЙМАНОВА

1961 йилда Наманган вилоятида туғилган. Маълумоти

— олий. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. 2003 йилдан буюн “Green World” қўшма корхонасида кадрлар бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти раиси.

— Бозор иқтисодиёти олдимишга катта талаблар кўймоқда. Бу борадаги масъулиятни яхши тушунамиз. 80 хилдан зиёд маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиш Германия, Италия, Жанубий Корея сингари ривожланган давлатларнинг илғор технологиялари билан жиҳозланган, — дейди биз билан суҳбатда жамоа раҳбари Аваз Исмоилов. — Соатира 5 тоннагача сабзавот ва мевалар қайта ишланаёпти. Қўлга киритилаётган натижалар ёмон эмас. Бу борада O'zLiDeP аъзоси бўлган ишчи-хизматчиларимизнинг ҳиссаси айниқса салмоқли-

да ўз ёрдамимизни аямадик. Вақт — олий ҳақам, деганларини рост. Қарангки, ҳар бир эзгу ишнинг натижасини вақт кўрсатар экан. Бугун туманимизда O'zLiDePнинг обрўси баланд. Кўпчилик ўзини қийнаётган масалалар юзасидан бевосита бизга мурожаат қилишаёпти. Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. Ҳаётда ҳар хил вазият юзага келиши мумкин. Шундай ҳолларда туман кенгаши орқали тегишли ташкилотларга мурожаат этиб, масаланинг ечилишини топишга ҳаракат қилаёймиз. Туман ҳудудидаги “Ёрқин ҳаёт”, “Наврўз”, “Итифок”, “Маданият” каби маҳал-

2006 йил 12 январь, пайшанба

02 (108)–сон

XXI_ASR@yahoo.com

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ҲАР БИР ИНСОННИ ТАШАББУС КЎРСАТИШГА,
ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА БЎЛИШГА УНДАЙДИ

... Бу — олти йил аввалги гап. Ушанда Мохиржон Бобожонови атиги 8 киши меҳнат қилаётган жамоага раҳбар эди. Одатда, ишнинг кўзини биладиганлар иккиланганини ёқтирмайдилар. Улар учун энг муҳими ишонччи оқлашдир. Бунинг учун эса аввало, масъулиятни зиммага олиб, янги имкониятларни қидириб топиш лозим. Тамом-вассалом.

Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Дарҳақиқат, излаган имкон топар экан, — дейди Мохиржон ака. — Бугун 42 киши меҳнат қилаётган жамоани ўнглаб олиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Хусусан, мавжуд қаралардан қутулган, мушкулларимиз осонлашди. Мамлакатимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолият бошлаган кезларда масъулият чекланган жамиятимиз тараққиёт йўлига тушиб олганди. Бошлангич партия ташкилотини тузишга бағишланган йўғилиш ҳали-ҳамон эсимда. Ушанда O`zLiDeP Дастури ва гоёларни кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотган эди. Шу тариха аъзоларимиз сафи кенгая борди.

Етакчилик масъулияти осон эмас, албатта. М. Бобожонови бунга яхши тушунади. Ҳар қандай эзгу ният амалиётда ўз ифодасини топмас экан, жамиятга ундан наф йўқ.

Шу боис «Таъмиркурилиш» корхонаси O`zLiDePчилари, аввало, ишда яхши кўрсаткичларга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

— Партия гоёларини кенг тарғиб қилиш учун биринчи навбатда сиёсий фаоллик зарур, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Масалан, мен корхона раҳбари, партия фаоли саналсаму, кўл остимдаги корхона ночор аҳволда бўлса, қандай қилиб ўзгаларга бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик ва ишбилармонлик афзалликларни тўғрисида ақл ўргата оламан? Ҳа, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Утган йили Наманган шаҳрининг «Гўзал» даҳасида жойлашган Марказий болалар шифохонасида 15 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Жамоамиз саяёҳаракати билан Амир Темур кўчаси ободонлаштирилди, вилоят кўп тармоқли шифохонасининг жонлантириш бўлими, «Оромгоҳ» даҳасидаги 90 хонадонли уй капитал таъмирлашдан чиқарилди. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини ҳомийлик мақсадларига сарфладик.



Мохиржон
БОБОЖОНОВ

1955 йилда Уйчи туманидаги Ёрқатай қишлоғида туғилган. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис. Наманган «Пахтасаноат» бирлашмасига қарашли «Таъмиркурилиш» масъулият чекланган жамияти раҳбари ҳамда бошпанғич партия ташкилоти раиси. 14-Иттифоқ сайлов округидан халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган.

Дарҳақиқат, шундай. Айни кунда бошпанғич ташкилот ўз атрофида 11 нафар маслақдошни бирлаштирган. Улар партиявий ишларни ҳам ўрнига қўйиб адо этишмоқда. Фахриддин Нажиддинов, Шокиржон Мамажонов, Ҳабибулло Носиров, Роҳилахон Қодирова ва бошқа кўпга фаолларни маҳалла, мактаб, корхоналарда тез-тез учратиш мумкин. Улар партия Дастури, гоё ва мақсадлари юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориб, кўпчилиқнинг ҳурмат-этиборини қозоншмоқда.

— Корхонамиз раҳбари серғайрат, бир сўзга одам, — дейди партия фаоли Комилжон Тожиаҳмедов. — Кундалик ташвишлардан ортиб

O`zLiDePдан сайланган депутат сифатида сайловчилар билан тез-тез учрашиб, турли ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун вақт ҳам, имконият ҳам топа олади. Хусусан, шаҳардаги «Иттифоқ» ва «Зарбдор» маҳаллалари фуқаролари унинг ёрдамига таяниб, кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. 27-мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантиришда бошпанғич партия ташкилотига уюшган фаолларнинг хизмати катта бўлган. Чунинчи, уларнинг оталик ёрдами туфайли ушбу илм даргоҳининг икки нафар ўқувчиси — Аъзамжон Иброҳимов ва Отабек Шамсиддинов каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби бўлиб, мамлакат даражасидаги турнирларда иштирок этишмоқда. Шу мисолнинг ўзи ҳам O`zLiDeP омма орасига, қайноқ ҳаёт ичига тобора чуқурроқ кириб бораётганидан далолатдир.

O`zLiDeP вилоят кенгашида бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган партиявий-сиёсий ишлар билан танишмоқчи эканлигимизни айтганимизда ҳеч иккиланмасдан 1-болалар клиник касалхонаси бошпанғич ташкилотини тавсия этишди. Бу бежиз эмас экан.

Аъзамжон ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Хамидов. — Бу яхши, албатта. Сафдошларимиз беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда партиявий бурчга садоқат билан ёндашаётдилар. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида партиявий топшириққа эга. Жумладан, Барнохон Ёқуббекова, Зум-

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

ТУФАЙЛИГИНА МУАЙЯН СИЁСИЙ
ҲАРАКАТГА ҚЎШИЛИШ МУМКИН

Шифохонага ташриф буюриб, бошпанғич партия ташкилотининг раиси Муҳаббат Саримсоқова билан суҳбатлашган, гап нимадалигини тушуниб етдик.

— Ташкилотимизда 78 нафар партия аъзоси ҳисобда туради, — дейди Муҳаббатхон. — Уларнинг барчаси партиявий Дастури, гоё ва мақсадлари билан ақиндан таниш. Асосий эътибор аҳоли ўртасида ўтказилаётган сиёсий тадбирларнинг таъсирчанлиги ва жанговарлигини таъминлашга қаратилмоқда. Шифохонамизда 150 нафардан зиёд врач ва ҳамшира хизмат қилади. Утган Сиҳат-саломатлик йилида бу ерда иккита янги



Муҳаббат
САРИМСОҚОВА

радхон Садриддинова, Гулнорахон Узоқова каби ҳамширалар кўп қаватли уйлар ва маҳаллаларда бўлиб, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга O`zLiDeP гоё ва мақсадлари юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бораётилар. Уларнинг сафи кенг. Вера Хритина, Рустамжон Хамроқулов, Муяссархон Назарова каби партия аъзолари ҳам барча соҳада фаол, ташаббускор.

Кези келганда оддий бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳар бир фуқаро муайян сиёсий ҳаракатга ўз хоҳиш-иродаси, қалб даъвати билан аъзо бўлиши лозим. Ана шундагина уларнинг фаолияти қутулган самарани беради. Акс ҳолда...

— 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганлигидан жуда хурсанд бўлдик, — дея сўзини давом эттиради М. Саримсоқова. — Янги йил арафасида ўтказилган йўғилишимизда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 13 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдик. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида зиммамизга юклатилган масъулиятни чуқур ҳис этиб, сиёсий-ташқилий соҳадаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Зеро, партияимизнинг ҳаётий мақсадлари бизни ҳамisha интилиб ва изланиб яшашга ундайди.

1962 йилда Избоскан

туманининг Пойтуғ шаҳрида туғилган. Андижон тиббиёт опийгоҳининг педиатрия бўлимида таҳсил олган. Мутахассислиги — болапар шифокори. Айни пайтда вилоятдаги 1-болапар клиник шифохонасининг пульманология бўлими бошпанғич, бошпанғич партия ташкилотининг раиси

бўлим ташкил этилди, жами ўринлар сони 240 тага етказилди.

Дарҳақиқат, саломатлик партиявий масъулият билан иш юритиш эса янада яхши самара бериши ўз-ўзидан

маълум.

— Бошпанғич партия ташкилоти сиёсий ҳижатдан фаоллашиб бормоқда, — дейди касалхона бош шифокори, O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати Искандар

Партия давлатнинг ижтимоий соҳага оид сиёсатидаги стратегик устувор йўналиш — инсонга бўлган эътибор ташкил этиши позим деб ҳисоблайди. Партия ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди. Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интипаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожини, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади.

O`zLiDeP Дастуридан.

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ.



«ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

Жондан азиз юртимизда умргузаронлик қилаётган барча фуқароларни ислом оламнинг энг табарруқ байрамларидан бири — Қурбон ҳайити билан чин дилдан қутлайди. Ҳамда ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, аҳил-иноқлик тилайди. Байрамларимиз ҳамisha серғайиз, серзавқ, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз чароғон бўлсин, азиз ватандошлар!

